



МАЪРИФАТ • ХАЛК ЗИЁЛПИЛАРИ ГАЗЕТАСИ

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLI KALB PALTASI
INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda


Ma'rifat

1931 йилдан чиқа бошлаган

2001 йил 12 май, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 37 (7336)



ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТҮГРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 11 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, чет эл ва республика оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - котибияти ташкил этиб, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ва 2001 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси бўйича молия вазири М.Нурмуровдов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раиси А.Ахадов кўшимча маъруза қилди.

Мазкур масала муҳокамаси жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги ишларнинг етарли эмаслиги, ўз фаолиятига танқидий ёндашувнинг, маблағларни бюджетга жалб этишида тўсқинлик килувчи омилларнинг чукур тахлили йўклиги борасида қатор танқидий мулоҳазалар билдириди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ижтимоий мақсадларга ажратилаётган бюджет маблағларидан фойдаланишнинг коникарсизлиги, мамлакатимизнинг қатор вазирларни ва идора-

лари, маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбарлари томонидан бюджет ижроси бўйича назорат сусайтириб юборилганини қайд этди. Президент бу борада халқ ҳўжалиги тармоқларида бюджет ижроси, бошқарув аппарати учун ажратиладиган маблағларнинг мақсадли тарзда қисқартирилиши юзасидан доимий парламент назоратининг ўрнатилиши ва шу тариқа парламентнинг иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, халқ ҳаётини фаровонлигини оширишга йўналтирилган ижтимоий дастурларнинг амалиётга жорий этилишига таъсирини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг асосий молия ҳужжати ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар муҳокамасида Урганч касб-хунар қурилиш коллежи директори И.Бойжонов, Бўстонлиқ тумани ҳокими Ў.Неъматов, "Наманганиркурилиш" трести бошқарувчиши Ш.Матмусаев, Нукус шаҳри ҳокими И.Қалмуратов, "Пахтабанк" акциядорлик тијорат банки бошқарувининг раиси Ж.Сайфиддинов иштирок этди. Депутатлар 2000 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги бўйича давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлади.

Қонунчилик ва суд-хукуқ масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари А.Тўхташев "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини сессия эътиборига ҳавола этди. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг Бухоро аэропорти директори Т.Бахронов, Андикон вилояти касаба уюшмалари кенгashi раиси А.Содиков, Навбаҳор тумани ҳокими Г.Облокулов, "Дон – халқ ризқи"

(Давоми 2-бетда)

ОЗОД ВА ЭРКИН ҲАЁТ ШУКРОНАСИ

Хотира ва Қадрлаш айёмида ана шу каби туйғулар ҳар бир иштирокчи қалбидан чукур жой олди десак, муболага бўлмайди.

9 май куни пойтактимиздаги Хотира майдонида ҳозир бўлган уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар, ҳарбийлашган вазирлар, идораларнинг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар қалбида ўзгача бир ишонч руҳи борлигини хис этиб, беихтиёр истиқлолга, эркин ҳаётга шукроналар келтирдик. Ўзбекистонда Хотира ва Қадрлаш куни учинчи бор нишонланётгани ва бу тадбир анъанага айланиб бораётганидан севиндик...

Хотира мажмуида мотамсаро Она пойига гул кўйгач, Юрбошимиз бошлаган мулоқот барчанинг кўнглига равшанлик баҳш этди.

— Мотамсаро Она — Ватан тимсолидир, — деди Ислом Каримов. — У гўё фидойи фарзандларини бағрида ардоқлаб тургандек. Фарзанд учун онанинг қайнот бағридан яхшироқ оромли жой йўқ. Унга караб туриб, урушни, қатағонни тасаввур этган, машъум йиллар нафасини хис килган киши бугунги озод ва эркин ҳаёт учун шукроналар айтади, ҳозирги фаровон турмуш, мусаффо осмоннинг қадрини англайди.

Мұхтарам Юрбошимиз таъкидлаётган мусаффо осмон, фаровон турмуш, озод ва эркин ҳаёт сингари тушунчалар қадрини мустақил юрт фарзандлари тўла англаб етаятиларми? Афсуски, ҳа, деб тўлақонли жавоб берса олмаймиз. Шу боисдан ҳам Президентимиз мамлакатимиз зиёлларини сұхбатга чорлади. Давлатимиз раҳбари аниқ ва тиник масаланиң кўндаланг қилиб кўйдилар. Ушбу масаланинг мазмунини шундан иборатки, биз бу кунни нега Хотира ва Қадрлаш куни деб атаемиз? Киншиларимиз шу нарсанинг мазмун-моҳиятига етиб бораётгиларми? Агар бу тушунчанинг асли моҳиятини англаш кийин кечётган бўлса, бу нималарда кўринади? Қандай усуслар билан оддиг одамлар онги, шурида бу куннинг залвори, ўзига хослиги, қадр-қимматини сингдиришимиз керак?

Бу каби саволларга Ўзбекистон Қаҳрамонлари, шоирлар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқалар батағсил жавоб қайтаришига ҳаракат қилдилар, Хотира ва Қадрлаш куни моҳиятини тушунтиришда ижодкорларнинг ўрнига тўхтадилар.

Мамлакатимиз раҳбари журналистлар орқали ёш авлодга мурожаат қилас экан, уларни фидойиликка, юрт равнаки йўлида янада фаолрек меҳнат қилишга чакириди.

— Ҳаёт курашлардан иборат, — деди Президентимиз. — Кураш эса ҳеч қачон кечмайди. Биз келажаги буюк давлат курмоққа киришган эканмиз, бу йўлда кийинчиликлардан чўчимаслигимиз керак. Бу ишда эса биринчи галда ёшларга ишонаимиз. Шунинг учун уларга эътиборни тобора кучайтираяпмиз. Улар биздан-да аклли, доно ва, албатта, баҳти бўлсин. Ҳар бир йигит-қиз юртимизда кечётган жараёнларнинг четда томошабини эмас, фаол иштирокчиси бўлишини истайман.

Алалхусус, биз бу фикрларни қадрлашишимиз, яхши ўқишимиз ва фаол меҳнат қилишимиз зарур.

Мухбиришимиз

«MA'RIFAT»
маслаҳатхонаси

2-бет

Ўқувчини
жазоламаса
ҳам бўладими?

3-бет

DTM tahlili

10-бет

Инглиз тили
сабоклари

12-бет

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТҮГРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми.
Боши 1-бетда)

акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси А. Темиров ўз муроҳа-заларини билдири. Парламент "Прокуратура түгрисида"ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқулла-ди ва бу борадаги ишни давом эттириш түгрисида қарор қабул қилди.

Мудофаа ва хавф-сизлик масалалари кўмитаси раиси А. Тур-сунов "Мудофаа түгрисида"ги қонуннинг янги таҳрири ҳақида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори Э. Саидхеме-дов, Термиз тумани ҳокими Б. Панжиев, Олий Мажлиснинг ат-роф-муҳит ва табиатни му-хофаза қилиш кўмитаси ко-тиби Э. Мирзаев, Улуғнор тумани ҳокими К. Обидов ўз фикрларини билдиргач, де-путатлар мазкур қонунни қабул қилди.

Парламентнинг кечки йи-ғилиши "Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг тран-зити түгрисида"ги қонун ло-йиҳасининг иккинчи ўқишда-ги муҳокамаси билан бош-ланди. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари кўмитаси раиси И. Ко-чмарик мазкур масала юзаси-

дан маъруza қилди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компа-нияси Фаргона бўлими бош-лиги М. Мирҳамзаев, Булун-ғур тумани ҳокими Х. Бойму-родов, "Қашқадарёавтойўл" бирлашмаси раиси К. Пан-жиев, Шўрчи тумани "Пахта" акциядорлик жамияти раиси Р. Абдуллаев иштирок этди. Мазкур қонун ҳам қабул қилинди.

Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси М. Сафоева сессия эътибо-рига Ўзбекистон Республи-

касининг "Аҳолини сил каса-лидан муҳофаза қилиш түгри-сида"ги қонуни лойиҳасини ҳавола этди. Мазкур масала юзасидан согликни сақлаш вазирлиги Кардиология ил-мий-текшириш институти ди-ректори Р. Курбонов, Гулис-тон шахридаги 4-мактаб ди-ректори Г. Латипова, Амударё тумани ҳокими Р. Йўлдошев, Ургут тумани ҳокими Х. Нуруллаев сўзга чиққач, депутатлар қонунни қабул қилди.

Иккинчи чакириқ Ўзбекис-тон Республикаси Олий Маж-лиснинг бешинчи сессияси давом этмоқда.



МАГИСТР БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Тошкент Давлат Техника университетида "Магистрларни тайёрлашда фан ва таълим жараёнларини интеграциялаш" масалаларига бағишиланган анжуман ўтказилди.

— Республикаизда бу йил икки мингга яқин магистрлар олий ўкув даргоҳларини битираётган бўлса, шундан 193 нафари бизнинг талабалардир, — деди университет проректори Рус-там Ҳамдамов "Туркестон-пресс" мухбирига. — Анжуманда "Электроника", "Автоматика ва ҳисоблаш техникаси", "Энергетика", "Машинасозлик", "Тоғ иши ва геология", "Нефт ва газ саноати" ҳамда "Иқтисодиёт" йўналишлари бўйича 6 та махсуслаштирилган шўйбалар фаолият кўрсатди.

Р. Ҳамдамовнинг таъкидлашича, "TEMPUS" дастури Европа Иттифоқи ва МДХ давлатларининг олий таълим соҳасидаги ҳамкорлигини ҳам ўз ичига олади ҳамда замонавий билимга эга бўлган магистрларни тайёрлашда кўл келаятти. Унинг мақсади олий таълим соҳасидаги ислоҳотларни кўллаб-куватлашдан иборат. Анжуманда талабалар ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида Ўзбекистонда Европа андозалари бўйича магистрлик курсларини ташкил этиш юзасидан ўзларини қизиктирган саволларга жавоб олишиди.

— Билдирилган талаб ва таклифлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича амалга оширилаётган ижобий ишларга ўз ҳиссасини қўша-ди, — деди сўзининг якунидаги Р. Ҳамдамов.

"Туркестон-пресс"

Aks-sado

"Маърифат"нинг шу йилги 5 май сонида чоп этилган буҳоролик ва тошкентлик тенг-дошларимнинг "Битириувчи қолдириган эсда-лик" ҳамда "Бир кунлик кийиладиган "оқ фа-та"лар ўрнига... китоб" сарлавҳали мақолаларда билдириган фикрларини ўқиб жуда қувондим. Сабаби мен ҳам қадрдан лицеий-имга нимадир совға қилиш хаёли билан юрган эдим. Очиги, тенгдошларим — битириувчи синф ўқувчиларининг мурожаати мен

КУТУБХОНАГА – ҲУҚУҚИЙ АДАБИЁТ

ўйлаб юрган масалага янада ойдинлик ки-ритди.

Ҳозир матбуотда кишиларнинг ҳуқуқий са-водхонлигини ошириш масаласи кун тарти-бига қўйиллаётir. Назаримда, ҳар бир ўтил-қиз ҳуқуқий билим асосларини мустақил тарзда ўрганиб боришлари зарур. Мен шуни назарда туттган ҳолда лицеийимиз кутубхона-сига ҳуқуқ соҳасига оид 2 та китоб ва 2 та журнал совға қилишга қарор қилдим.

Улуғбек ҲУСАИНОВ,
Наманган туманидаги иқтисодий ҳуқук
лицей-интернатининг 11-синф ўқувчisi

Рахмат Қувватов, Қашқадарё вилояти Чироқчи туман "Қалқама" ширкат жамоа хўжалиги.

Савол: Малака ошириш институтида 1 ой ўқиб келдим, бироқ менга командировка пули берил-мади, қандай олсан бўлади?

Жавоб: Хизмат сафари даврида ва кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда ҳаражатларни Мехнат Ко-дексининг 171-моддасига асосан кўйидагилар тўла-ниши лозим:

— йўл кира ҳаражатла-ри;

— доимий турар жойи-дан бошқа жойда яшаш,

Ойдин Абдуллаев, Қашқадарё вилояти Қамаши тумани Ўзбекистон кўчаси 42-уй.

Савол: Ўзбекистон халқ ўқитувчиси қандай им-тиёзларга эга эканлиги ҳақида маълумот бери-шингизни истардим.

Жавоб: 1. "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" фахрий унвони-ни болалар ва ёшларга таълим-тарбия беришда алоҳида хизмат кўрсат-ганларга, илгари "Ўзбе-кистонда хизмат кўрсат-ган халқ таълими ходими" фахрий унвонини олган ва халқ ҳурматига сазо-вор бўлган барча типда-ги ва номдаги умумий мактабларининг ўқитувчи-лари, олий, ўрта маҳсус ва ҳунар-техника ўкув юрти муаллимларига, ўкув-тарбия, методик ва

халқ таълимининг бошқа муассасалари ходимла-рига берилади.

2. "Ўзбекистон Респу-бликаси халқ ўқитувчи-си" фахрий унвонига тавсия қилиш фахрий ун-вонга тавсия этилаётган шахс меҳнат қилаётган муассаса жамоаси томонидан амалга оширилади.

"Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчи-си" фахрий унвонига эга педагогларга ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдори унинг ойлик иш ҳақига кўшиб берилади.

Ma'rifat маслаҳатхонаси

А. Абдувалиев, Паркент тумани, Сўқоқ қишлоғи нафақадор.

Савол: Ўқитувчиларнинг газдан фойдаланиши ва унга тўланиладиган имтиёз ҳақида маълумот бер-сангиз?

Имомов Раззоқ, Бухоро вилояти Олот тумани Ф.Хўжаев жамоа хўжалиги.

Савол: Оиламида мен, хотиним, ўғлим ҳам ўқитувчи, бироқ имтиёздан фақат мен фойдалана-ман, шу тўғрими?

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли қарорининг 14-банди 19-иловасига бино-ан табиий газ бўйича имтиёзлардан фойданаланувчи фуқаролар учун янги тариф меъёрлари қабул қилинган.

Ушбу қарор бўйича Молия вазирлиги ўзининг 1999 йил 11 январ 06-03-17/54 сонли хати орқали қўйида-гиларни маълум қиласди:

а) бир оила учун ойига 40 кв.м. иситиладиган майдон учун Қорақалпогистон Республикаси, Хоразм вилоятида 240 куб. метр, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда эса 220 куб.м газ бўйича (бир оиласидаги имтиёздан фойданаланувчи 1 кишига фойдаланади).

б) овқат тайёрлаш учун Фойдаланишда:

- марказлаштирилган ис-сик сув тармоғи мавжуд бўлмаган хонадонларда ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи фуқаролар учун бир ойда 9 куб.м имтиёз белгиланган.

- марказлаштирилган ис-

сик сув тармоғи мавжуд бўлмаган хонадонларда ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи фуқаролар учун бир ойда 12,5 куб.м имтиёз белгиланган.

Ушбу имтиёзлар бўйича ҳисоб-китоблар 1999 йилнинг 1 январидан амалга ошириб келингани. Мазкур имтиёзларнинг барчасидан шаҳар ўқитувчилари 50 фойда-ва қишлоқ ўқитувчилари 100 фойда-ниш ҳуқуқига эгадирлар.

— Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги 280-сонли қарорининг 4-бандида сув ва газни ҳисобга олиш, приборларни ўрнатиш, квартира ва уйларда квартира ва уй-жойлар мулкдорлари ҳисобига амалга оширилади, дейилган.

— туман марказларида яшовчи педагог ходимлар барча тегишли имтиёзлардан шаҳар меъёрлари бўйича фойдаланадилар.

Й. АХМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва
фан ходимлари касаба
уюшмаси Марказий
Кўмитаси бош
мутахассиси

Самарқанд шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли мусиқали драма театри биносида вилоят ўқитувчиларининг анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда мактабга-ча таълим, мактабдан ташқари таълим, мактаб, ўрта маҳсус қасб-хунар таълими ва олий ўқув юртларида меҳнат қилаётган 850 нафар ўқитувчи мураббийлар иштирок этдилар.

Шу куни эрталабданоқ театр ҳовлиси байрамона тус олди. Ўқувчилар, тарбияланувчилар томонидан тайёрланган ранг-баранг

ҳокими ўринбосари А.Маматовнинг маърузаси тингланди. 10 йил давомидаги таълим соҳасидаги ёртадиган ютуқлар ва камчиликлар маърузада айтиб ўтилди.

Сўнгра Тайлоқ туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси М.Йўлдошева, Жомбой туманидаги 21-рейтинг бўйича тажриба-синов мактаби директори М.Ю.супов, Оқдарё туманидаги 6-мактаб кимё фани ўқитувчиси А.Насридинов, Самарқанд туманидаги 4-сон болалар бօғчаси тарбиячиси А.Файзиевлар сўзга чиқиб, ўзлари-

ЎҚИТУВЧИ – МИЛЛАТ ФИДОЙИСИ

буюмлар кўргазмаси, китоб савдоси ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари томонидан тайёрланган концерт дастурлари ҳар бир иштирокчига кўтаринки кайфият бахш этиди.

Ўзбекистон Республикасиning 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу анжуманинг дастлаб шўйбалар йиғилиши ўз ишини бошладилар, сўнгра театр биносида вилоят ҳокими Э.Рўзиев ўқитувчилар конференциясини очди ва олиб борди.

Анжуман кун тартибидағи биринчи масаласи, вилюядта Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рӯёбга чиқаришнинг биринчи босқичида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва кейинги босқичда рӯёбга чиқариладиган ишлар ҳақида вилоят

нинг тақлиф ва мулоҳазаларини билдирилди. Анжуманда вилоят ҳалиқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Бекмуродов, Ҳалиқ таълими вазирлиги педагогик таълим, фан ва маълака ошириш бошқармаси бошлиғи А.Қосимовлар қатнашди ва сўзга чиқди.

Анжуман ниҳоясида Ўзбекистон Республика-сиининг биринчи съездига вилоятимиздан 85 нафар делегатлар очиқ овоз бериш ўйли билан сайландилар. Шунингдек, вилоятимиздаги таълим фидойиларидан бир нечта сига “Ҳалиқ таълими съюноччи” кўкрак ниншонлари ва вилоят ҳокимининг фахрий ёрликлари топширилди.

Конференция катта концерт дастури билан якунланди.

Н.ШЕРБОЕВА



Қариси бор уйнинг париси бор, дейдилар. Ростдан, кексалар бор уй, жамоа фариштали, баракатли бўлади. Шайхонтохур туманидаги 102-мактабда “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Рамзиддин Файзиев ҳам фаолият кўрсатади. 70 ёшни тўлдирган тажрибали педагог ёшларга ҳар соҳада ўрнак бўлиб келмоқда.

Суратда: Рамзиддин Файзиев ёш ўқитувчиларга ўйт берадиган пайт.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Мана, иккى йилдирки, ёшларни Ватанни севишига, униардоклашга, ватанпарварликка ўргатиш мақсадида, илм масканларида “Ватан туйгуси” ва “Маънавият асослари” фанлари ўқитилиб келинаётган эди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ўқувчилар онгига миљий истиқлол гоясини сингдириш мақсадида жорий йилнинг II чорагидан бошлаб “Миљий истиқлол гояси ва маънавият асослари” фанинг мактабда фан сифатида ўқитилиши айни мудда бўлди.

Туманимизда ушбу фан бўйича услубий кенгаш ташкил қилинди. Кенгашга раиси Н.Йўлдошеванинг ташаббуси билан кенгаш аъзолари йигилишлари ташкил этилди ҳамда мактабларнинг маънавият бўйича директор ўринбосарлари ва шу фан ўқитувчиларининг уч кунлик ўкув ишлари ташкил қилинди. Ўқиш давомида 5-9-син-

ЎҚУВЧИНИ ЖАЗОЛАМАСА ҲАМ БЎЛАДИМИ?

Сир эмас, кейинги пайтда ўқувчилар эркинлиги анча ортган. Баъзи ҳолларда уларнинг бурчларини унтишиб кўяётганиларига ҳам гувоҳмиз. Ўқувчининг гарсга яхши қатнашмаслиги, ҳар хил йўллар билан пул топиш илинжида мактабга келмаслиги натижасига мактаб ўқитувчиси учун яна битта машақкат юзага келаятти. Ўқитувчи интизомсизликнинг олдини олиш учун ишонтириш, рағбатлантириш каби педагогик усуслардан унумли фойдаланмоқда, аммо топширилган вазифа аго этилмаганда ёки синфда ўзбошимчалик ҳолатлари соҳир бўлганда жазолаш, танбех, бериш услубидан ҳам фойдаланмасликинг иложи ўйқ. Танбех, ва жазо тартиббузарлик содир этилган ҳолатга мос ҳолда белгиланади.

Юқори синф ўқувчилари кўпроқ биринчи соатдаги гарсларга кеч келиб, охирги соат гарсларидан кетиб қоладилар. Ўқувчига бир неча бор гарсга кеч қолишининг салбий таъсири тушунтирилади. Интизомсизлик тақрорланаверса, қайтармаслик ваъдаси билан тушунтириш хати олинади. Демак, шундай пайтда ўқувчиларга нисбатан қаттикроқ туриш, талабчанликни ошириш улардаги масъулликни кучайтиради.

Бир кун навбатдаги гарсда синфга кирсан, ҳамма да яхлит бозовталикни пайқадим. Ҳамма-

ҳаммаси ўрнидан туреб, яна жимгина ўтириши. Кейин қайси биридир паст товушда: “Ойна синги, устоз” деди. Шундан сўнг синфда бироз жонланиш бўлди. “Ўзи айбани тан олиб ёнимга чиқсан”, деганиндан сўнг шўҳроқ ўигитча бошини эгид ёнимга келди. Мен бу иш яхши бўлмаганилгини, мактабда мингдан ортиқ ўқувчи ўқиб, ойна синдирса қандай ҳол бўлишини тушунтиришга уриндим. Ҳар ким ўз қилмишига жавоб берши ҳақида уқтиридим, ойнани эса ўзи тўғрилаб

Siz nima deysiz?

кўйишиши кераклигини таъкидлагадига, жойига ўтқаздим. Эртасига ўқувчи ойна олиб келди. Шу воқеадан сўнг синфдаги бир неча ўқувчи бояги шўх ўигитчани қаттикроқ уришишим лозимлигини, у ҳамманинг жонига тегаётгани ҳақида гапириши. Мен агар, хато тузатилмаганда синфда, кейинроқ ота-оналар ўртасига муҳокама қилишим мумкин эди. Ҳолбуки, синфдошигини яхши ўигит, бир оз шўҳроқ, унга ёрдам беринглар, дедим. Агар хатога ўйл кўйган, интизомсизлик қилган ўқувчининг ҳамиятига тегиб кўйилса, кўпчилик олдида изза қилинса, хато тақрорланиши, чукурлашиши мумкин.

Агар жазолашга кўрқитши восита сифатига, ҳокимликни ўрнаштиши куроли, деб ёндошила, иккى

хавф юзага келади, ўқувчининг интизомсизлиги ортаги ва дўстлари, синфдошилари билан ҳамжихатлигига путур етади. Шунинг учун интизоми суст ўқувчини қатор топшириклиарни бажаришдан озод қилиш, кўпчиликдан ажратиб кўйиш ярамайди. Аслини олганда ўқитувчининг бағри кенг, асаби мустаҳкам бўлиши керак. Урсанг эти, сўксанг бети қотади, деган гап бор халқимизда. Жазо сифатига оғизга дуч келган сўзни олмаслик керак.

Бир кун келиб ўқувчи яхши хулқ эгаси бўлиб шакланмаса, унинг аввалги хатоларию шўхликларини таъкидлаша хотурни бўлади. Боланинг атрофдагиларга нисбатан куртак отиб келаётган мурғак ишончини поймол қилиб кўйишингиз мумкин. Бунинг оқибатига синфда ўқитувчига қарши тургани шаклланиши мумкин. Буни алоҳига таъкидлашимнинг боиси, кейинги пайтда ишга келаётган ёш ўқитувчиларга интизоми суст ўқувчиларга етарили жавоб берга олмай, уларнинг хатти-ҳаракатларини изчил таҳлил қилишига ожизликларидан бутун бир синфи ўрнидан турғазиб кўйиб, улар устидан илмий мудирга, директорга рапорт ёзиб, ҳатто ўша синфга гарс беришдан боштортиши ҳоллари учрамокда. Натижада ўқитувчининг бола олдиаги обрўсига путур етади. Бундан сўнг бу ўқитувчининг ҳар қандай ижобий иши ҳам самара бермайди. У педагогикадаги энг катта бойлик— ўқувчи ишончидан маҳрум бўлади.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ

“КАМОЛОТ” ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

Куни кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳри таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Йигилишда республика “Камолот” ижтимоий ҳаракати раиси Ботир Убайдуллаев нутқ сўзлари.

Тошкент шаҳрида ҳам “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилди. Унинг раиси этиб Фурқат Маҳмудхўжаев сайданди. Йигилишдан сўнг делегатлар Мирзо

Улугбек бобига ташриф бўйдилар. Ёшлар учун ташкил этилган саҳна жуда чиройли безатиб қўйилганлиги, хонандаларнинг қўшиклиари кишининг қувонч баҳш этиди. Жумладан, Тошкент Давлат шарқшунослик институтида фаолият олиб бораётган “Қайсарлар” жамоаси бир неча клиплар, кулгили ҳангомалар ва саҳна кўринишлари билан чиқиб, ёшларни жуда хушнуд этишиди.

Наима МИРҲОЖИЕВА

МАКТАБ — МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Флар учун иш режалари тузилди, методик тавсиялар берилди ва ўқитувчиларнинг шу фан бўйича семинарлар режаси ишлаб чиқилди.

Режа асосидаги илк семинар бизнинг 9-ўрта мактабда ўқитувчиларнинг шу фан бўйича семинарлар амалга оширилаётгани, ўқитувчилар бу фанни қандай ташкил этаётгани, ўртоқлашиш мақсадида бу ерга тўғланандилар.

Семинар сўнгидаги ўтилган дарслар ва тадбирларнинг

таҳлили бўлиб ўтди. Таҳлилда сўзга чиққанлар мактабда шу фан ўқитилишини намунали деб топдилар. Семинар якунидаги сўзга чиқсан ВХТ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Т.Аҳмадалиев Вазирлар Мажкамасининг қарори билан мазкур ўқув йилида 9-ўрта мактабни “Миљий истиқлол гояси ва маънавият асослари” фани бўйича республикада тажриба-синов майдони деб эълон қилинганини, бу қарор бутун педагогик жамоа зиммасига ва шахсан шу фан ўқитувчиси Замирахон Бакирова зиммасига катта масъулият юклашини айтиб ўтди.

Немматой ФАФФОРОВА,
Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги
9-ўрта мактаб илмий мудираси

Комусли эл — номусли эл, деб халқимиз бежиз айтмаган. Истиқолимиз берган неъматлардан бири — Конституциямиздир. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Баш қонунимизни яхши билмоғи даркор. Бу борада мактабларда қатор ишлар амалга оширилаёт. Тарих дарсларида, хукукий сұхбатларда, учрашувларда имкон қадар Конституциямиз ўргатилмоқда. Лекин бу етарли эмас, деб ўйлаймиз. Чунончи, она тили дарсларида ўргатилган қоидаларни Конституциямиздан олинган моддалар, иборалар орқали сингдиришни мақсадга муовифик деб ҳисоблаймиз. Шу маънода қўйида Тошкент вилояти Пискент туманидаги 1-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, "Дўстлик" ордени сохибаси, ижодкор муаллимна Марҳабо Курбонованинг "Грамматикадан ўргатилган маълумотларни ўрганишда оралик назорат учун тест саволлари" дарс ишланмасини тавсия этаётимиз. Бу барча фан ўқитувчилари учун ниҳоятда фойдали бўлиши, табии.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси неча бўлим, боб ва моддадан ибо-

- A. сифат
B. олмаш
C. от
D. сон
E. ёрдамчи сўз
5. Ёрдамчи сўзларни топинг.

64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

- A. ўз
B. қадар
C. ва
D. В, С жавоб тўғри
E. — дир

6. 65-модда. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Оналик ва болаликдагилик қандай кўшимча?

- A. мавхум от ясовчи кўшимча
B. сифат ясовчи кўшимча
C. шакл ясовчи кўшимча
D. -лик кўшимча эмас
E. шахс оти ясовчи кўшимча

7. Отлашган сўзларни топинг.

45-модда. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг хукуклари давлат ҳимоясида-

- A. қонун билан, солиқлар
B. йигимлар, тўлашга
C. қонун билан, белгиланган
D. А, В жавоблар тўғри
E. В, С жавоблар тўғри
12. Соннинг грамматик вазифасини белгиланг.

117-модда. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга.

- A. аниқловчи
B. ҳол
C. кесим
D. тўлдирувчи
E. эга

13. Кесим қайси сўз туркуми билан ифодаланган?

123-модда. Соликлар жорий қилиша фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.

- A. от
B. сифат
C. отлашган сўз
D. феъл
E. кўшма феъл
14. Берилган гапда нечта сўз бирикмаси мавжуд.

52-модда. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

A. 6 та

ТАШАББУС БОР ЖОЙДА...

Жисмоний ривожланишда нуқсонлари булган болаларни соғлом жамият аъзоларига тенглаштириш, уларга соғлом руҳият баҳш этиб, соғлом гоялар ва фикрлар соҳиби қилиб тарбиялаш давлат аҳамиятига молик ва-зиғидир. Бу талабларга амал қилиш, уқувчиларнинг хукукий маданиятини ошириш ва уларда конституциявий билимларни чуқур эгаллашлари мухимдир.

Хукукий билимларнинг муқаммаллиги, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишдан бошланади. Чунки Асосий Қонунимизда давлатимиз хукукий тизимнинг етуклиги ифода этилган. Президентимиз сўзлари билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулиши. Шундай экан, демократик, хукукий давлатни барпо этиш жараёнда болаларни музкаммал ургатиш — давр талабидир.

Яқинда Фарғона вилояти Куқон шаҳар 9-запф кўрувчи болалар маҳсус мактаб-интернати — Конституциянинг ўрганиши мавзусида республика семинар-кенташи ўтказилди.

Республика Таълим маркази томонидан ўтказилган семинар кенгашда республикамизнинг турили вилоятларидан келган мутахассислар катнашдилар. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги М.Хужаев вилоятда Асосий Қонунинг ўрганилиши, уқувчиларнинг хукукий маданиятини ошириш борасидаги ишлар ҳақида гапириб, семинар-кенгаш қатнашчилари ва барча меҳмонларни қизгин кутлади.

Мактаб-интернат раҳбари Д.Маҳмудованинг билимгоҳда Асосий Қонунимизнинг ўрганилиши тажрибаси тўғрисидаги маърузаси тингланди. Шу куни мактаб-интернатнинг тажрибали ўқитувчилари Н.Косимов, С.Раҳмонова, А.Алиеваларнинг намунали очик дарслари билан танишилди.

ТАЛАБАНИНГ БУРЧИ — ЎҚИШ

Республика ўшларининг кўп қисми олий, ўрта маҳсус ўкув юртларида ва касб-хунар коллежларида таҳсил олмоқда. Айниқса, вилоятлардан келиб, таълим олаётган ўшлари пойтахтда ҳам кўп.

Талабаларнинг ўқиши жуда кўп хатоликларга йўл батта, ўқиши. Улар ўкув дарсларига тўлиқ қатнашишмайди. Хатто институтта келиб туриб, дарсга кирмасдан, кўчаларда ва ҳар хил биллиард хоналарда санқиб юрганликларига чидолмайсан. Бундай ҳолларни кўрганда ўз-ўзингдан хаёлга толасан киши. Ота-она фарзандим ўқисин, деб бутун нонини яримта ҳатдан таъминлайди. Шундай талабаларнинг тода оғёзи кўйган то-лашиб қолади. Чунки дарсга кам қатнашган, сессияни ёпиши керак, бундай пайтда ўқитувчиларга хушомад қилишларини кўрсангиз... "Хомий"ларини ўртага солиб, бир амаллаб сессияни ёпдилар ва иш "хамирдан қил суғурган" каби силлик кечади. Хўш, бундай кимга фойдаю, кимга зарар?

Энди савол пайдо бўлади, талабанинг бурчи нима ўзи? Албатта, ўқиши. У ўқишини шу тарзда тамомлаб, дипломни кўлга олиб, бирон жойга ўз мутахассислиги бўйича ишга бора-ю, калла қурғур ошковоқ мисол бўм-бўш бўлса. Чаламулла. Кадрлар Ўзбекистоннинг ривожланишида ўрининг эга бўладиларми? Йўқ, албатта. Ҳар бир талаба мен қандай ўқияман-у, эртага ким бўламан деган саволни ўз-ўзига берса дейман. Зоро, талабанинг мақсади етук мутахассис бўлишдан иборат.

**Сайд КОРАЕВ,
ТДМИ талабаси**

БИЛИМИНГИЗ- НАМОЁН ЭТИНГ!

ёхуд она тили дарсларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тест саволлари ёрдамида ўрганиш

рат?

- A. 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан
B. 6 бўлим, 25 боб, 128 моддадан,
C. 6 бўлим, 26 боб, 124 моддадан
D. 5 бўлим, 25 боб, 120 моддадан
E. 4 бўлим, 26 боб, 128 моддадан

2. Қайси қаторда Конституциянинг 4-моддаси берилганди.

- A. Ўзбекистон — суворен демократик республика
B. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри

C. Оммавий ахборот восита-лари эркиндинг ва қонунга му-воғиқ ишлайди

D. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир

E. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хукуқига эга

3. Гапдаги ўюшик бўлакларни топиб, қайси гап бўла-ги бўлиб келганини топинг.

Ўзбекистон Республикаси-да демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз хукуклари олий қад-рият хисобланади.

A. умуминсоний, олий; аниқловчи

B. принципларга, уларга; тўлдирувчи

C. инсон, ҳаёти, эркинлиги; эга

D. шаъни, қадр-қиммати, хукуклари; эга

E. С,Д жавоблар тўғри

4. Тагига чизилган сўзларни сўз туркумини анқланг.

Ўзбекистон Республикаси-нинг бутун худудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

- A. ҳукуклари
B. етмаганлар
C. лаёқатсизлар
D. кексалар
E. В, С, Д жавоблар тўғри

8. Ясама сўзларни топинг.

42-модда. Давлат жамиятининг маданий, илмий ва техникиявий ривожланишига ғамхўрлик қиласи.

- A. ғамхўрлик, маданий, ри-вожланиш
B. маданий, илмий, техникиявий

C. маданий, илмий, ғамхўрлик
D. илмий, техникиявий, ғамхўрлик қиласи

E. маданий, техникиявий, ри-вожланиш

9. Гапдаги гап бўлаклари сони нечта?

43-модда. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган хукуклари ва эркинликларини таъминлайди.

- A. 7 та
B. 5 та
C. 4 та
D. 6 та
E. 3 та

10. Қайси қаторда гап бўлаклари тўғри изоҳланган?

47-модда. Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб кўйилган бурчларини бажарадилар.

- A. аниқловчи, эга, ҳол, тўлди-рвичи, кесим

B. аниқловчи, эга, тўлдирувчи, аниқловчи, кесим

C. эга, ҳол, аниқловчи, кесим

D. аниқловчи, эга, тўлдирувчи, аниқловчи, тўлдирувчи, кесим

E. эга, тўлдирувчи, аниқловчи, кесим

11. Тўлдирувчиларни топинг.

51-модда. Фуқаролар қонун билан белгиланган со-ликлар ва маҳаллий йигимларни тўлашга мажбурдирлар.

- B. 4 та
C. 5 та
D. 7 та
E. 3 та

15. Мослашувли бирикмани топинг.

49-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар.

- A. меросини асрашга
B. халқининг меросини
C. авайлаб-асрашга
D. асрашга мажбурдирлар
E. фуқаролар мажбурдирлар

16. Нуқталар ўрнига ке-ракли сўзларни кўйинг.

41-модда. Бепул... таълим олиш... томонидан кафолатланади.

- A. умумий, жамият
B. ўрта, давлат
C. бошлангич, жамият
D. умумий, давлат
E. олий, давлат

17. Берилган гапдаги сўзлар қайси келишикда?

41-модда. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

- A. бош к., бош к., бош к., ўрин-пайт к.

B. бош к., бош к., қаратқич к., ўрин-пайт к.

C. қаратқич келишиги, бош к., қаратқич к., ўрин-пайт к.

D. қаратқич к., тушум к., қаратқич к., ўрин-пайт к.

18. Берилган гап турини белгиланг.

102-модда. Вилоят ҳокими-лари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишили ҳалқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдикланади.

- A. кўшма гап
B. содда гап
C. боғланган кўшма гап

Мехмонимиз — кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони, самбо бўйича 5 марта жаҳон, 4 марта Осиё чемпиони, "Ўзбекистон белгиси", "Ўзбекистон ифтихори" кўкрак нишонлари соҳиби, халқаро миқёсдаги спорт устаси Акобир Курбонов. У 1975 йил 29 июлида Бухоро туманидаги Деҳожи қишлоғида туғилган. Айни дамда ИИВ Академияси жанговар жисмоний тайёргарлик кафедрасида ўқитувчи. Милиция капитани.

— Дастрраб анъана-
вий саволимиз: биринчи мualлимизни қандай эслайсиз?

— 1981 йили олти ёшимда Бухоро тумани "Маданият" жамоа хўжалигидаги Садриддин Айний номидаги мактабга ўқишга борганман. Биринчи ўқитувчим Матлаб опа Некова бўлганлар. Кўлимга илк бор қалам тутқазиб, ўқишни, ёзишни ўргатган бу мuallimma опам олдида бир умр қарздорман. Менинг шу даражага етишимда нафакат биринчи ўқитувчим, балки ўша мактабнинг барча ўқитувчиларининг хиссаси катта бўлган.

Оиласиз ҳам мualлим-мураббийлар оиласи. Отам Собир Курбонов — самбо бўйича Европа ва жаҳон чемпиони, Бухоро вилоят ИИБда катта мураббий, кўл жанги ва кураш бўйича вилоят терма жамоаси бош мураббийи. Онам Абера Ҳакимова ўша мен ўқиган мактабда бошлангич синф мuallimasi бўлиб ишлайди. Албатта, улар олдида ҳам умрбод қарздорман, таъзимдаман.

— Болалик хотира-
ларингиз билан ўртоқ-
лашсангиз.

— Полвонлар сулоласининг вакили сифатида болалигимдан миллий курашга қизиқиб, катта-кичик давраларда тенгқурларим билан олишиб ўғсанман. Конда бор экан-да, барчасини йиқитар эдим. Тезрок катта бўлиб, отамдек чемпион бўлишни орзу килардим. Мана, худога шукр, орзуларимга эришдим, эришапман. Аммо ҳаммаси меҳнат, тинимсиз ҳаракат, машгулотлар маҳсули.

Галабаларимда курашчилар сулоласидан эканлигимнинг ҳам аҳамияти бор, деб ўйлайман. Отамни айтиб ўтдим, у кишини кўпчилик танийди ҳам. Яна уч амаким спорт устаси, номи чиқкан полвонлар. Умуман, қишло-


гимиз, Бухоро — полвонлар юрти.

— Демак, фарзанд-
ларингиз ҳам полвон
бўлиб етишишини хоҳ-
лайсиз.

— Албатта. Ҳозир бир ўғилчамиз бор. Исли — Саидсломбек. Бир ёшга тўляяпти. Худо хоҳласа етук полвон қилиб тарбиялайман. Курашчи бўлиши шарт.

— Мухлислар чемпионни фақат голиб пай-

Меҳмонхона



— Эътибор берганмиз, бошқа кураш турларидан фарқли ўлароқ, бизнинг миллий курашимида полвонлар фақатгина тикка туриб олишадилар! Дангал олишадилар!

Кураш — одамни дангалликка, ҳақгўйликка, журъатли бўлишга, мардликка (яна кўп хислатларни санаш мумкин) ўргатади.

эришдим. Илк бор Осиё чемпиони бўлдим. Софияда бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдим. Ундан сўнг Кирғизистонда бўлиб ўтган милиция ходимлари ўртасидаги жаҳон чемпионатида голиб чиқдим. Таалабалар ўртасида жаҳон биринчилиги — универсиадада ҳам ўз вазним бўйича (74 кг) биринчи ўринни эгаллаш насиб этди.

1997 йили Жаҳон кубоги соҳиби бўлдим. Осиё чемпионатида яна ғалаба қозондим. Булар барчаси самбо бўйича. Аммо буларнинг бар бир тарафу, 1999 йили ўтказилган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатида зафар қозонганим бир тараф бўлди. У менга ўзгача бир фурур, ифтихор баҳш этди.

— Ўша жанглардан қайси бири кўпроқ

Унинг бугунги даражага чиқиши, жаҳон миқёсида кенг оммавийлашишига, энг аввало, Ватанимизнинг истиклолга эришгани сабаб деб ўйлайман. Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан курашга, умуман, спортга берилаётган эътибор юртимиз спортчиларининг оламшумул фалабаларига сабаб бўлаёттир, зафарлар сони, салмоғининг кўпайишига олиб келаёттир. Ҳозиргача, мана, кураш бўйича иккى бор жаҳон чемпионати, илк бор Осиё чемпионати, ўсмирлар ўртасида жаҳон биринчилиги, бир қанча халқаро турнирлар ўтказилди, ўтказилмоқда, режалаштирилмоқда. Шу илдамлашда худо хоҳласа кураш, албатта, олимпиада ўйинлари дастурига киритилади. Ва бунда ғолибликка, энг аввало, юртимиз полвонлари асосий даъвогар бўладилар.

Яна шуни айтиш лозимки, миллий кураши мизнинг қайси давлатда, қайси миллат полвонлари билан бўлмасин ўтказилаётган беллашувларда "ҳалол", "ғирром", "чала", "ёнбуш" каби ўзбекча атамалар билан кўлланилиши бизнинг миллатимизнинг фахри, деб биламан.

— Белбоғли кураш ҳақида фикрингиз?

— Белбоғли кураш ҳам азалдан мавжуд бўлган кураш тури. Унинг ўзига хослиги — белбоғдан ушлаб усул бажариш. Миллий кураши мизда эса самбо, дзюдо, юон-рум кураши ва бошқа кураш турларининг элементлари кўп учрайди. Чет эллик полвонлар шу сабаб уни тез ўзлаштираятилар. Белбоғли курашни эса кўпчилиги билишмайди. Келажакда бу кураш тури ҳам ривожланиб, халқаро миқёсларга чиқади, деб ўйлайман.

— "Маърифат" муштариийларига, мухлисларингизга тилакларингиз?

— Умрлари узок бўлсин, соғ бўлишсин. Ўқитувчилар ва ўкувчилар бир-бирларидан рози бўлсинлар. Муаллимларга куч-куват тилайман, бўлғуси чемпионларни тайёрлаш ўйлида чарчамасинлар.

Мухлисларимга тилагим: даставвал ўзларини енгишни ўргансинлар. Шунда ҳаммаси яхши бўлади.

— Самимий сұхбат учун ташаккур!

Хусан НИШОНОВ
сұхбатлашди

ПОЛВОНЛАР СУЛОЛАСИННИГ ЧЕМПИОН ВАКИЛИ

тида, зўр кайфиятда,
магнур кулиб турган
ҳолда кўрадилар. Бино-
роқ бунгача ўтилган
йўл...

— Ҳар бир спортчи, у
қайси тур билан шуғуллан-
наётган бўлмасин, ўз
олдига, энг аввало, аник
мақсад қўя олиши ло-
зим. Бу биринчи омил...
“Генерал бўлишини орзу
килмаган солдат солдат
эмас” дейишади. Ҳамма
чемпион бўлишни хоҳ-
лайди. Аммо устозлар
кўмагисиз ҳеч нарсага
эришиб бўлмайди.

— Менга биринчи бўлиб
кураш сирларини ўргат-
ган устозларим Фатхулла
Холиков, Бекмурод Рўзи-
ев, амаким, халқаро
миқёсдаги спорт устаси
Наби Курбоновлардан
мингдан-минг розиман.

Хозирда мураббийларим
ака-ука Фазлиддин
ва Фахриддин Пўлатов-
лар, катта мураббий Рав-
шан ака Аҳмаджонов мен
билан машғулот ўткази-
шапти. Улар кўмагида
ҳалиям изланишдаман.

— Каратэ, шахмат
ва яна бошқа кўплаб
спорт турлари мута-
хассислари ўша спорт
турининг тарбиявий
аҳамиятини таъкидла-
шади. Сиз кураш ми-
солида бу борада ни-
малар дея оласиз?

— Полвонларимиз-
дан кимларнинг истеъ-
додини ҳурмат қила-
сиз?

— Галабаларимга са-
бабчи бўлган, усулларни
ўргатган полвонларга
эҳтиромим чексиз. Бу-
лар — дадам ва биринчи
узозим Собир Курбонов, Шуҳрат Очилов,
Шуҳрат Ҳўжаев, Ботир Турдиев, Сайфиддин
Ходиев — яқин ўтмиши-
мизнинг забардаст пол-
вонлари. Буғунги кун
полвонларидан Камол
Муродов, Ботир Ҳўжаев,
Зокир Шарипов, Алишер
Йўлдошев, Тоҳир Бобо-
жоновларнинг истеъдо-
дини ҳурмат қиламан.
Улардан ўрганаман.

— Яна қандай спорт
турларига қизиқасиз?

— Болаликда ўртоқла-
рим билан бирга футбол,
кўл тўпи билан шуғуллан-
ганимиз. 5-синфдан бош-
лаб самбо билан жиддий
шуғуллана бошладим.
Футболга ҳалиям қизиқи-
шим зўр. Ўйнаб турман.
Яна волейбол, баскетбол
ҳам севимли спорт тур-
ларидан.

— Гиламдаги илк
ғалабангизни қандай
хотирлайсиз?

— 1995 йил менинг
ҳаётимда катта из қол-
дирди. Дастррабки улкан
ғалабаларимга шу ийли

ёдингизда қолган?

— Албатта, финалда-
ги олишув. 73 кг. вазни-
да Махтумкули Махмудов
ва мен финалгача етиб келдик. Охирги да-
қиқаларгача кучларимиз
тенг келди. Фақатгина
сўнгги сонияларда усул
қўллаб, очко олишга му-
ваффақ бўлдим ва ғала-
ба қозондим.

Эсингизда бўлса,
ушбу олишувимиз телевизорда тўғридан тўғри
кўрсатилган. Шунда шарҳловчилар, “Собир Курбонов жон куйдириб ўғлига тушунтираяпти,
қўллари билан имо-ишора қилиб кўрсатаяпти.
Аммо Акобир буларни илғагани йўқ. Ҳозир унинг қулоғига гап кирмайди” қабилида гапиришган. Ваҳоланки, мен ўшандага падари бузрукворимнинг ўргатганидек
усул қўллаб, ғалаба қозонганман. Ишонасизми, бутун стадион шовқини, томошибинлар ҳайқириги — ҳеч қайсиси қулоғимга кирмаган. Фақатгина отамнинг гапларини эшитганман, холос.

— Курашнинг кела-
жагини қандай тасав-
вур этајпиз? У олим-
пиада турлари сафига
кира оладими?

— Миллатимиз каби
миллий кураши мизнинг
ҳам илдизи бақувват.

ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг биринчи босқичи якунланётган даврда Булунғур туманида ҳам таълим соҳасига алоҳида эътибор берилаётгани сезилиб турибди. Буни биргина Булунғур қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи мисолида кўриш мумкин.

Бу маскан 1999 йил 1 сентябрдан касб-хунар коллежи мақомини олгач унинг ташки қиёфаси билан бир қаторда таълим мазмуни ҳам ўзгарди. Ҳозирда билим масканда 618 нафар талаба таҳсил олмоқда. 38 нафар ўқитувчи ва 24 нафар ишлаб чиқариш усталири таълим ва тарбия бериш билан машгулдир. Бугунги кунда ўкув масканни нафасат туманда, балки Самарқ-

анд вилоятида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Таълим-тарбия жараёнини ўрганиш мақсадида масканни кўздан кечирдик. Замонавий таъмирланган, талаб даражасидаги синфоналар, компьютер хоналари, чет тилини ўрганиш учун алоҳида хоналар замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Бугунги кунда ўкув масканда қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқариш ва техник хизмат кўрсатиш, фермер ўсимлик шунос, мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, вино ишлаб чиқариш саноати ва молия агенти йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Ҳар бир битирувчи талабага 2 тадан ортиқ мутахассислик берилмоқда.

Ўкув масканни тўғрисида колледж директори Маҳмуд Убайдуллаев қуйидагиларни гапириб берди:

— Бугунгача эришган барча ютуқлар ўзимизники. Лекин талайгина камчиликларни миз ҳам бор. Ёшларни касбга ўргатишида замонавий дастгоҳлар етишмайди. Биз керакли бўлган ускуналарга буюрта берганимиз. Яна бир нарса, бизнинг таълим жараёнимиз учун Япония давлати сармоя ажратмоқчи. Яқинда уларнинг бир гурухи ташриф буюриб, бизнинг тизимимиз билан яқиндан танишиди. Улар ажратган маблагфа замонавий аудио, видео ускуналар олишни мўлжаллаяпмиз.

Шерзод АҲМАТОВ,
“Маърифат” мухбири

Ашурали Зоҳирий номидаги Қўқон педагогика билим юрти 1917 йилнинг сентяброда Қўқон маърифатпарварлари томонидан ташкил этилган.

Билим юртига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Тошмуҳаммад Қори Ниёзий, Ашурали Зоҳирий каби миллатнинг чин ватан парвар, маърифатпарвар кишилари тамал тошини қўйган. Бу даргоҳда ёш авлодга таълим-тарбия беришда ана шу устоzlар бошлаган анъаналар давом этирилмоқда. Илм даргохининг биринчи раҳбарларидан бўлган Қори Ниёзий ўқитувчига кўйлаётган талаб ҳақида ажойиб фикр айтади: “Ёш авлоднинг тарбияси фаҳри ва олийжаноб вазифа бўлиши билан бирга

олдига катта вазифалар кўйилган. Ушбу марказ муллымларни мизнинг педагогик фаолиятларида, туб бурилишлар ясашлашида, ўз устиларида ишлашлашида катта ёрдам бермоқда.

Билим юрти 650 уринли ёткожона ва 2 та ўкув биносига эга. Билим юрти ўкувчиларининг деярли барчаси қизлар бўлганларни сабабли, уларнинг юриш туриши, кийиниши, ҳатти-харакатларига ҳам куз-кулоқ бўлиб туриш зарур. Шу мақсадда 1995 йилда билим юрти раҳбари С.Абдуллаева “Қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш” дастурини ишлаб чиқди. Мазкур дастур Республика Таълим Маркази томонидан маъкулланди.

Билим юртида жисмоний

НАВКИРОН МАСКАН

